

2014 йил 2 майда 741п-сони
билан Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
ҚАЙТА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

2014 йил 12 февралда Ўзбекистон
таълим, фан ва маданият ходимлари
касаба уюшмасининг навбатдан
ташқари III Курулто йида
ТАСДИҚЛАНГАН

**ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ
УСТАВИ**

Тошкент - 2014

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси (кейинги ўринларда “касаба уюшмаси” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасидаги таълим, фан ва маданият ҳамда спорт соҳалари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфидаги муассаса ва ташкилотларда ҳамда ушбу соҳалардаги нодавлат ташкилотларида фаолият тури бўйича умумий манфаатлар билан бирлашган ходимлар, талаба ва ўқувчи-ёшлар, қисман иш билан банд бўлганлар ёки вақтинча ишсизлар, ишламайдиган пенсионерларнинг (бундан кейинги матнда “касаба уюшмаси аъзолари” деб юритилади) ихтиёрий асосда тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

2. Касаба уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади, республика ва ҳудудлар миқёсида ўзининг тузилмаларига эга.

3. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат ва Фуқаролик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар меъёрлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Устави ҳамда мазкур Устав асосида амалга оширади.

4. Касаба уюшмаси ўз ташкилий тузилмаси ва фаолият йўналишларини белгилашда эркиндир, мустақил равишда ўз органларини, Федерация Кенгаши билан келишилган ҳолда штатдаги ходимлар аппаратини шакллантиради.

5. Касаба уюшмаси ўз Уставида белгиланган мақсадларга ҳамда вазифаларга мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ҳолда, бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиши, халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмалари ҳамда ташкилотларга аъзо бўлиши мумкин.

6. Касаба уюшмаси қонун ҳужжатлари, ижро ва суд ҳокимияти органлари, меҳнат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари устидан текширув ва назоратни амалга оширувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, иш берувчилар бирлашмалари, сиёсий партия ва ҳаракатлар, бошқа жамоат бирлашмалари, юридик шахслар ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

7. Касаба уюшмаси ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8. Касаба уюшмасининг номланиши:

ўзбек тилида: Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси;

рус тилида: Профессиональный союз работников образования, науки и культуры Узбекистана;

инглиз тилида: The Trade Union of workers of Education, Science and Culture of Uzbekistan.

9. Касаба уюшмасининг раҳбар органи - Республика кенгашининг жойлашган ери (почта манзили): 100165, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.

II. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

10. Касаба уюшмасининг асосий мақсади ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги, шунингдек интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилишдан иборат.

11. Касаба уюшмаси олдида қўйилган мақсадларга эришиш учун ўзининг сайлаб қўйиладиган органлари орқали:

- иш берувчилар билан тармоқ келишувлари, юридик шахс мақомига эга муассаса ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилишига эришади, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

- меҳнатга оид ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, меҳнат ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ва текширувини амалга оширади;

- касаба уюшмаси аъзоларига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар беради ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур ҳолларда даъво аризалари билан судга мурожаат қилади;

- меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг тўланишида ижтимоий адолатли тизим жорий этилишига эришади;

- ҳар бир касаба уюшмаси аъзосининг меҳнатга оид, мутахассисликка эга бўлиш, малакасини ошириш, муносиб ва ўз вақтида иш ҳақи олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлайди;

- касаба уюшмаси аъзолари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш тадбирларини ҳамда дам олишларини ташкил этади;

- маданият, туризм, оммавий жисмоний тарбия ва спорт, санаторий-курортларда даволаш, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бирлашмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

- касаба уюшмаси фаолиятининг кенг ошқоралигини таъминлаш учун ахборот ва ташвиқот ишларини олиб боради;

- ходимлар ҳамда талаба, ўқувчи-ёшларнинг меҳнат ва таълим олиш шароитлари, ҳаёт даражасига таъсир қиладиган жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказилади.

12. Касаба уюшмаси амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда, ўз Устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

III. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Касаба уюшмаси куйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

- оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

- Уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

- ўз рамзий белгиларини таъсис этиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказиш;

- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар, Қурултойлар ўтказиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

14. Касаба уюшмасининг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларига риоя этиш;

- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

- рўйхатдан ўтказувчи орган вакилига ўзи ўтказаетган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

- рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

IV. КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

15. Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Касаба уюшмаси Устави талабларини тан олувчи ва бажарувчи, аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб борувчи 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин (агар 16 ёшга тўлган фуқаро иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлса ёки ўқув юртида таҳсил олаётган бўлса, касаба уюшмаси аъзолигига кириши мумкин).

Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш фуқаронинг шахсий аризасига биноан касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг умумий йиғилиши ёки касаба уюшма кўмитаси мажлисида амалга оширилади.

Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш санаси тегишли қарор қабул қилинган кундан ҳисобланади. Касаба уюшмасига қабул қилинган фуқарога бошланғич ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси (ташкилотчиси) томонидан аъзолик билети берилади.

Касаба уюшма ташкилоти бўлмаган муассаса, корхона ва бошқа иш жойларида касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшма кўмиталарининг раёсатлари томонидан амалга оширилади.

16. Меҳнат фаолияти ёки ўқишни вақтинчалик тўхтатган аъзолик бадалларини тўлаб турган касаба уюшмаси аъзолари учун касаба уюшмасига аъзолик сақланиб қолинади.

17. Касаба уюшмаси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- касаба уюшмаси органларидан ҳуқуқий ёрдам олиш ҳамда давлат, суд ва мулк шаклидан қатъий назар, хўжалик органларида меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича касаба уюшмасининг ҳимоясида бўлиш;

- касаба уюшмаси органларига сайлаш ва сайланиш;

- касаба уюшмасининг тадбирларида иштирок этиш, ўз фикрини эркин баён қилиш, ўз фаолияти ва хулқ-атвориغا тааллуқли масала кўриладиган мажлис, йиғилиш, конференцияларда шахсан иштирок этиш;

- юқори касаба уюшмаси органларига мурожаат этиш;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги ва бошқа санаторийларга, корхона (ташкилот)ларнинг санаторий-профилакторийларига, дам олиш масканларига, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар олиш, маданият муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланиш;

- шахсий аризасига кўра касаба уюшмаси аъзолигидан эркин чиқиш.

18. Касаба уюшмаси аъзоларининг мажбуриятлари:

- касаба уюшмаси Уставига риоя қилиш ва касаба уюшмаси органлари қарорларини бажариш;

- касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш;

- жамоа шартномалари ва келишувлари мажбуриятларининг бажарилишига кўмаклашиш;

- аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;

- касаба уюшма фаолиятига тўсқинлик қиладиган ва зарар келтирадиган ҳаракатларга йўл қўймаслик.

19. Уставда белгиланган вазифаларни бажармаган касаба уюшмаси аъзосига нисбатан қуйидаги жамоатчилик таъсир чоралари қўлланиши мумкин :

- танбех;

- касаба уюшма аъзолигидан чиқариш.

Жамоатчилик таъсир чоралари бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ой ичида, лекин у аниқланган кундан олти ойдан кечикмасдан қўлланилади, бунда касаба уюшма аъзоси касал бўлган ёки таътилда бўлган вақт ҳисобланмайди.

Ҳар бир ножўя хатти – ҳаракат учун касаба уюшма аъзосига фақат битта жамоатчилик таъсир чораси қўлланилади.

20. Касаба уюшмаси аъзосига жамоат таъсири чораларини қўллаш масаласи унинг иштирокида, узрли сабабларсиз келмаган ҳолларда эса унинг иштирокисиз касаба уюшма гуруҳи, цех, бошланғич ташкилот умумий йиғилишида ёки унинг сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органи мажлисида, шунингдек, юқори касаба уюшмаси органларининг ташаббуси

билан уларнинг мажлисларида, кейинчалик касаба уюшмаси аъзоси ҳисобда турган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини қабул қилинган қарордан хабардор этган ҳолда, ҳал қилинади.

Касаба уюшма аъзоси жамоат таъсири чораси қўлланилиши устидан чора қўлланилган кундан бошлаб бир ой муддат мобайнида касаба уюшмасининг юқори органига шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Шикоят мазкур касаба уюшмаси органи томонидан бир ойдан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

21. Суд томонидан жиноят содир этганликда айбланган ва озодликдан, жумладан, шартли равишда, маҳрум этилган ёки бошқа ҳатти-ҳаракатлари билан касаба уюшмасини обрўсизлантирган касаба уюшмаси аъзоси ўзи ҳисобда турган бошланғич ташкилот умумий йиғилишининг, касаба уюшма қўмитасининг ёки юқори касаба уюшмаси органининг қарори билан аъзоликдан чиқарилади.

22. Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган сайланма орган аъзоси ёки раҳбари ушбу орган таркибидан чиққан ҳисобланади.

23. Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган ёки чиққан шахс касаба уюшмаси томонидан ўзининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, бепул ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқига эга эмас.

Тўлаган аъзолик бадаллари унга қайтарилмайди.

Касаба уюшмаси аъзосидан жамоат таъсири чорасини олиб ташлаш масаласи тегишли касаба уюшмаси йиғилиши ёки органи томонидан, қўлланилган кундан камида уч ойдан сўнг кўриб чиқилади.

6 ойдан ортиқ узрсиз сабабларга кўра аъзолик бадалини тўламаган касаба уюшмаси аъзоси(мазкур Уставнинг 12.2. бандида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари) касаба уюшмаси аъзолигидан чиққан ҳисобланади.

24. Касаба уюшмаси фаолиятида фаол қатнашганлиги учун касаба уюшмаси аъзолари касаба уюшмаси органлари белгилаган тартибда маънавий ва моддий рағбатлантирилиши мумкин.

V. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

25. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини эркинлик, мустақиллик, адолат, ҳамжиҳатлик, ихтиёрийлик, демократия ва ўзини ўзи бошқариш, ошкоралиқ, қонунийлик, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигига риоя этиш, озчилик фикри ҳисобга олинган ва келишувга интиланган ҳолда қабул қилинган қарорларнинг касаба уюшмаси органлари томонидан бажарилиши мажбурийлиги тамойилларига асосан амалга оширади.

26. Касаба уюшмаси тузилмасини қуйидагилар ташкил этади:

- касаба уюшмаси гуруҳлари;
- касаба уюшмаси цех ташкилотлари;
- касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари;
- касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашлари;
- Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчилари;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси;
- касаба уюшмаси Республика кенгаши;
- тафтиш комиссиялари.

VI. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

27. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ишлаб чиқариш, касб-кор тамойили бўйича, мулк шакли ва бўйсунувидан қатъий назар, юридик шахс бўлган ташкилотлар, корхоналар, муассасаларда касаба уюшмаси аъзолари 5 кишидан кам бўлмаган тақдирда тузилади.

Бошланғич ташкилотни тузиш ва касаба уюшмаси таркибига кириши тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси аъзоларининг таъсис йиғилиши ёки конференцияси томонидан қабул қилинади, касаба уюшмаси ташкилоти тузилганидан сўнг ўн кун муддат ичида бу ҳақда юқори касаба уюшмаси органига хабар қилинади.

Корхона ва муассасаларнинг тузилмасидан келиб чиқиб, бошланғич ташкилот таркибида касаба уюшмаси кўмитасининг қарори билан цех ташкилотлари, касаба уюшмаси гуруҳлари тузилиши мумкин.

Касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсатининг қарорига кўра йирик бошланғич ташкилотларнинг касаба уюшмаси кўмиталарига туман (шаҳар) кенгаши мақоми, шу жумладан мазкур кўмиталарнинг Раёсатларини сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини белгилаш ҳуқуқлари берилиши мумкин.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг олий органи - умумий йиғилиш ёки конференция ҳисобланади. Бошланғич ва цех ташкилотлари, гуруҳлар йиғилишлари заруриятга қараб, аммо йилига камида бир марта ўтказилади.

Бошланғич ташкилот ўз ишини касаба уюшмаси Устави ва бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ҳақидаги Низом асосида юритади, фаолиятининг энг муҳим йўналишларини белгилайди, аъзоликка қабул қилишни, шунингдек аъзолик бадалларининг тушумини ўрнатилган тартибда ўз вақтида таъминлаб беради. Юридик мақомга эга бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари юқори касаба уюшмаси органи билан келишган ҳолда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлайди.

Касаба уюшмаси туман, шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкилотлари конференциясига делегатлар сайлайди.

Жорий ишларни олиб бориш учун касаба уюшмаси йиғилиши (конференцияси)да қўйидагилар 5 йил муддатга сайланади:

- касаба уюшмаси гуруҳларида - касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчиси;
- 15 нафаргача касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида, цех ташкилотида - касаба уюшмаси ташкилотчиси, унинг ўринбосари ва ғазначи;
- 15 нафар ва ундан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган бошланғич, цех касаба уюшмаси ташкилотларида - касаба уюшмаси кўмитаси, юридик мақомга эга бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида - тафтиш комиссияси.

Касаба уюшмаси кўмиталари, цех кўмиталари мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

Касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчиси, касаба уюшмаси ташкилотчиси, касаба уюшмаси органининг муддатдан олдин сайлови касаба уюшмаси ташкилоти ҳисобида турган касаба уюшмаси аъзоларининг учдан бирдан кам бўлмаган қисмининг талаби ёки юқори касаба уюшмаси органининг қарорига биноан, шунингдек, касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчиси, касаба уюшма ташкилотчиси, касаба уюшмаси органининг ўз ташаббуси билан ўтказилиши мумкин.

Ташкилот ёки муассасада мулкчилик шакли ўзгарган тақдирда, бошланғич ташкилотнинг касаба уюшмаси кўмитаси аввал ҳаракатда бўлган кўмитанинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда фаолият кўрсатишни давом эттиради.

28. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ва унинг сайлаб қўйиладиган органи:

- касаба уюшма ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишлари, касаба уюшмасининг юқори органлари қарорлари, мазкур Устав, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни эътиборга олиб, касаба уюшмаси ташкилотининг ишини ташкил этади;

- меҳнат, меҳнат муҳофазаси, маънавият ва маърифат, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш соҳаларида ходимларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ифодалайди ҳамда ҳимоя қилади;

- меҳнат жамоаси номидан иш берувчи билан жамоа шартномасини қабул қилади ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда иштирок этади;

- меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини ишлаб чиқишда, яқка тартибдаги ва жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилишда қатнашади;

- ўз ихтиёрида қолдирилган маблағ доирасида, юқори касаба уюшма органи томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда касаба уюшмаси бюджетини,

даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда бу маблағларни Уставда белгиланган мақсадларга сарфлайди;

- амалдаги Низомлар асосида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини ташкил этади;

- умумий йиғилишлар, конференциялар, Қурултой ва юқори органлар қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

- жамоада меҳнат низолари юзага келган ҳолларда, заруриятга қараб, юқори ташкилот ва юқори касаба уюшмаси органини хабардор қилади, келиштирувчи комиссияни ташкил қилишда ҳамда унинг ишида иштирок этади. Келишувга эришилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ иш юритади;

- иш берувчилар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари асосида касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш (жумладан, талабалар, ўқувчи-ёшлар ва илмий тадқиқотчилар турар жойларини ҳисобга олган ҳолда), меҳнатини ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, стипендия ҳамда нафақалар таъминоти масалаларининг ҳал этилишини таъминлайди;

- ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш бўйича иш олиб боради, илмий-техника ижодиёти ва бадиий ҳаваскорлик, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни, шунингдек, санаторий-курортларда дам олиш ҳамда даволанишни ташкил қилишда кўмаклашади;

- касаба уюшмаси цех кўмиталарига, касаба уюшмаси гуруҳларига ўз ваколатига доир баъзи ҳуқуқларни бериши, ўз комиссияларини тузиши ва уларнинг ваколатларини белгилаб бериши мумкин.

29. Касаба уюшмаси цех кўмитаси ўз фаолиятини бўлимлар, факультет, лабораторияларда ташкил қилади, касаба уюшмаси кўмитаси мажлиси ва умумий йиғилиши, конференцияси қарорларининг бажарилишини таъминлайди, касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчилари ишини йўналтириб ва мувофиқлаштириб боради.

30. Касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчиси аъзолар билан яқка тартибда иш олиб боради, уларни жамоатчилик ишларида фаол иштирок этишга жалб қилади, меҳнат, ўқиш, малака ошириш, маиший хизмат ҳамда дам олиш шароитини яхшилаш борасида ғамхўрлик қилади.

31. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш бўйича қарор юқори касаба уюшмаси ташкилоти билан келишилган ҳолда умумий йиғилиш ёки конференцияда қабул қилинади. Қарор кворум мавжуд бўлгани ҳолда умумий йиғилишда иштирок этаётган касаба уюшмаси аъзоларининг ёки конференцияда иштирок этаётган делегатларнинг учдан икки қисми қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади ва кучга киради.

VII. ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ, БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ КЎМИТАЛАРИ

32. Касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашилари, бирлашган касаба уюшмаси кўмиталарини тузиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати билан келишилган ҳолда Республика кенгаши Раёсати томонидан қабул қилинади. Ушбу органларни шакллантириш тегишлилигича касаба уюшмаси туман, шаҳар, бирлашган ташкилотлари конференцияларида амалга оширилади.

33. Туман, шаҳар ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси касаба уюшмаси ташкилотларининг олий органи конференция ҳисобланади. Конференция тегишли касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашлари ҳамда бирлашган касаба уюшма кўмитасининг пленумлари томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади.

Конференцияни чақириш, делегатлар меъёри ва кун тартиби камида бир ой олдин маълум қилинади.

Конференцияларга сайланадиган делегатлар меъёри, уларни сайлаш тартиби тегишли касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшма кўмитасининг пленумлари томонидан белгиланади.

Навбатдан ташқари конференция туман, шаҳар, бирлашган ташкилотлар бирлаштирган бошланғич ташкилотларнинг камида учдан бир қисмининг талаби билан, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшмаси қўмиталарининг ўз ташаббуси билан ёки Республика кенгашининг қарорига мувофиқ чақирилиши мумкин. Конференцияни чақириш муддати ва кун тартиби бўйича қарор камида ўн беш кун олдин эълон қилинади.

34. Туман, шаҳар ташкилотларининг конференциялари:

- касаба уюшмасининг вилоят ташкилоти, ҳудудий бирлашмалар конференцияларига, Қурултойга делегатлар сайлайди, белгиланган квотага мувофиқ юқори касаба уюшмаси органлари таркибига номзодлар тавсия қилиши мумкин;

- касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашининг, тегишли тафтиш комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, уларнинг янги таркибини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма ташкилотининг конференцияси бирлашган қўмита, тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, уларнинг янги таркибини сайлайди, касаба уюшмасининг Қурултойи ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси конференциясига делегатларни сайлайди ҳамда белгиланган квотага мувофиқ юқори касаба уюшмаси органлари таркибига номзодлар тавсия қилиши мумкин

35. Конференциялар оралиғидаги даврда туман, шаҳар кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси тегишли касаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбар органи ҳисобланади.

36. Кенгаш, бирлашган қўмита Пленумлари бир йилда камида бир марта кенгаш, бирлашган қўмита Раёсати томонидан чақирилади.

37. Туман, шаҳар кенгашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси:

- Уставда белгиланган вазифаларни, Конференциялар ва Қурултойнинг қарорларини бажариш бўйича ўз фаолиятини амалга оширади;

- ўз ишини бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этади, улар фаолиятини мувофиқлаштиради, ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришида амалий ёрдам кўрсатади ва қўллаб-қувватлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош келишув, тармоқ (тариф) келишувлари ҳамда ҳудудий (минтақавий) келишувнинг ҳудудда бажарилишига кўмаклашади;

- ҳудудда тармоқни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда, меҳнат, иш ҳақи меъёрлари масалаларини ҳал этишда қатнашади;

- касаба уюшмаси юқори органларида, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоқадор масалаларни кўриб чиқишда иштирок этади;

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат ва меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади;

- раис, раис ўринбосарини сайлайди ва лавозимидан озод қилади;

- Раёсат таркибини сайлайди, комиссиялар тузади;

- тегишли кенгаш, қўмита таркибига янги вакил этиб сайланган аъзоларнинг ваколатларини тасдиқлайди, шунингдек кенгаш, қўмита аъзоларини таркибидан чиқаради, сайлайди.

38. Кенгашлар, бирлашган қўмиталар фаолиятлари давомида конференция ва юқори касаба уюшмаси органларига ҳисобот берадилар.

39. Туман, шаҳар кенгашлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитасининг Раёсати:

- амалдаги қонун ҳужжатлари ва касаба уюшмаси Устави, юқори органларнинг қарорлари асосида касаба уюшмаси ташкилотлари олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ўз ишини ташкил қилади;

- ҳудуддаги тегишли иш берувчилар, идоралар билан тармоқ ходимларига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуи бўйича жамоа (ҳудудий тармоқ) келишувларни қабул қилади;

- касаба уюшмаси фаоллари ўқувини ташкил этади, касаба уюшмаси фаолиятига оид ижобий тажрибаларни оммалаштиради, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталар раислари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиради ва улар билан ишлашни ташкил қилади;

- янги ташкил этилган бошланғич ташкилотларни касаба уюшмаси хизматига олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, уларга жамоа шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, фаолиятини тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатади;

- юқори касаба уюшмаси раҳбар органларининг қарорларини бошланғич ташкилотларга етказди, мазкур қарорларни бажарилишида бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

- аъзолик бадалларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилади, муаммоли ҳолатлар содир бўлганда уларни бартараф этиш чораларини кўради;

- касаба уюшма бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини ҳудуд бўйича масъул ташкилотчи билан келишган ҳолда тақдиқлайди, касаба уюшмаси бюджети маблағларидан оқилона фойдаланишни амалга оширади;

- тасдиқланган Низомларга асосан ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини амалга оширади;

- ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш, шунингдек аъзоликдан чиқариш масалаларини олдиндан кўриб чиқади ҳамда кенгаш, бирлашган кўмита пленумида тасдиқлаш учун тақдим қилади;

- аъзо касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қилади, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлайди ҳамда бу борада амалий жиҳатдан кўмаклашади;

- Устав талаблари ва ўз дастурларида қўйилган мақсадларга эришиш учун касаба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади;

- аъзолик бадалларининг тушумини ўрнатилган тартиб асосида таъминлаб беради;

- касаба уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, молиявий шароитини яхшилаш ва ишсизликни бартараф қилишга ўз хиссасини қўшиш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида (талабалар, ногиронлар ва тадбиркорларни ҳам бу ишга жалб қилган ҳолда) касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан тадбиркорлик тузилмалари яратиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- туман, шаҳар кенгаши, бирлашган кўмита мажлисини чақириш тўғрисида қарорлар қабул қилади, мажлис ўтказиш кунини белгилайди ва кун тартиби юзасидан таклифларни киритади;

- туман кенгаши, бирлашган кўмитанинг иш режаларини тасдиқлайди, касаба уюшма ходимлари ва фаолларини юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг Фахрий ёрлиқлари, нишонлари билан тақдирлашга тавсия этади;

- мазкур устав билан белгиланган шунингдек туман, шаҳар кенгаши, бирлашган кўмита унга берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган кўмиталарни молиялаштириш тартиби, штатлар жадвали ҳамда иш ҳақи миқдорлари касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида Республика кенгаши Раёсати томонидан белгиланади

40. Туман, шаҳар кенгашлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш масаласи Республика кенгаши Раёсатида кўриб чиқилади ва тегишли касаба уюшмаси ташкилоти конференциясида амалга оширилади.

Конференцияларнинг қарори кворум мавжуд бўлганда, делегатларнинг учдан икки қисми қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади ва кучга киради.

41. Барча молиявий мажбуриятлар бажарилганидан сўнг, касаба уюшмаси органининг мол-мулки ва маблағлари Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун Республика кенгашига ўтказилади.

VIII. РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНING ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР, ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЙИЧА МАСЪУЛ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

42. Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчилари (кейинги ўринларда “масъул ташкилотчи” деб юритилади) лавозимлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ Республика кенгаши Раёсати қарори асосида жорий этилади.

Масъул ташкилотчи Республика кенгаши аппаратининг штатдаги ходими ҳисобланади ва меҳнат шартномаси тузиш йўли билан ишга қабул қилинади. У ҳудудларда бевосита бирлашма кенгашлари билан ҳамкорликда мазкур Уставда белгиланган вазифаларни амалга оширади.

Масъул ташкилотчиларнинг функциялари, ваколатлари, жавобгарлиги ва касаба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмаси кенгашлари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган тегишли Низом билан белгиланади.

43. Касаба уюшмалари фаолиятига доир айрим масалаларни коллегиялик асосида ҳал этиш учун касаба уюшмаси тизимида масъул ташкилотчилар лавозимлари жорий этилган ҳудудларда жамоатчилик асосида раислар кенгаши тузилиши мумкин.

Жамоатчилик асосидаги раислар кенгашини шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари ва вазифалари Федерация Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланган тегишли намунавий Низом билан белгиланади.

IX. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ОРГАНЛАРИ

44. Қуйидагилар касаба уюшмасининг органлари ҳисобланади:

- Қурултой;
- Республика кенгаши;
- Республика кенгаши Раёсати;
- тафтиш комиссияси.

45. Қурултой касаба уюшмасининг олий органи бўлиб, касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади. Қурултойни чақириш муддати, вакиллик меъёри, делегатларни сайлаш тартиби ва кун тартиби камида 2 ой олдин эълон қилинади.

46. Сайланган делегатларнинг учдан икки қисми қатнашганда Қурултой тўла ҳуқуқли ҳисобланади. Кворум мавжуд бўлгани ҳола Қурултойда ишгирик этаётган делегатларнинг ярмидан кўпи овоз берганда Қурултой қарорлари қабул қилинган ҳисобланади. Қурултой қарорларини қабул қилишда овоз бериш тартиби делегатлар томонидан белгиланади.

47. Қурултой қуйидаги ваколатларга эга:

- касаба уюшмаси Республика кенгаши, тафтиш комиссияси фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш;
- касаба уюшмасининг Устави ва “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- касаба уюшмасини қайта номлаш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- Республика кенгаши раисини, шунингдек, Республика кенгаши аъзоларини сайлаш;
- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишган ҳолда касаба уюшмаси тузилмасини белгилайди;
- касаба уюшмасининг тафтиш комиссияси раисини ҳамда аъзоларини сайлаш;
- касаба уюшмаси ҳаракатининг муҳим масалалари бўйича қарорлар, мурожаатномалар қабул қилиш;
- касаба уюшмаси таркибидаги ташкилотларнинг апелляциясини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қурултойига делегатлар, шунингдек, белгиланган квота бўйича Федерацияси Кенгаши таркибига вакилларни сайлаш.

Қурултой Республика кенгаши, Кенгаш Раёсати, Республика кенгаши раисига алоҳида ваколатларни бериши мумкин.

Касаба уюшмасининг навбатдан ташқари Қурултойи Республика кенгашининг ўз ташаббуси билан ёки касаба уюшмаси аъзоларининг учдан бир қисмининг талабига кўра, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарорига

мувофиқ чақирилиши мумкин. Навбатдан ташқари Қурултойни чақириш муддати ва унинг кун тартиби камида бир ой олдин эълон қилинади;

48. Касаба уюшмаси Республика кенгаши Қурултой оралиғида касаба уюшмасининг раҳбар органи ҳисобланади, Қурултойда беш йил муддатга сайланади ва фақат Қурултой олдида ҳисобот беради.

Касаба уюшмаси Республика кенгаши заруратга қараб, лекин йилда камида бир мартаба ўтказилади.

Касаба уюшмаси Республика кенгаши:

- Уставда белгиланган вазифаларни ва Қурултойнинг қарорларини бажариш бўйича фаолиятни амалга оширади;

- касаба уюшмаси Қурултойини чақиради ва тайёрлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида қабул қилинган Бош Келишувга асосланган ҳолда тегишли иш берувчилар бирлашмалари (вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, компаниялар, мулк шаклидан қатъий назар, бошқа хўжалик структуралари) билан тармоқ ходимларига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуи бўйича келишувлар қабул қилишни ташкил этади, Бош келишув лойиҳасига таклифлар киритади;

- касаба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларини белгилайди;

- корхона ва ташкилотларда жорий этилган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига доир қарорлар, локал ҳужжатлар қабул қилувчи бошқарув органлари (кузатув кенгашлари, ҳайъатлар, комиссиялар ва ҳ.к.) таркибига касаба уюшма кўмитаси раислари ёки касаба уюшмаси ташкилоти вакиллари киритилиши масаласини Тармоқ келишувларида акс эттирилишига эришади;

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат ва меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларга риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати ва текширувини ташкил этади, меҳнат ҳуқуқи, меҳнат ва саломатлик муҳофазаси масалалари бўйича меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

- ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш ишларини, яширин ишсизлик ва норасмий бандлик ҳолларини таҳлил қилиб боради ва тегишли чоралар кўради, ходимлар малакаси оширилишига кўмаклашади, касаначиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, квоталаштирилган иш ўринларига фуқаролар ишга жойлаштирилиши, корхоналарни қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши сабабли оммавий равишда ишдан озод этилаётган ходимларга моддий мадад чоралари қўлланилиши устидан назорат олиб боради;

- тармоқ миқёсидаги ўртача иш ҳақи миқдорини таҳлил қилади, ўз ваколатлари доирасида иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради, оммавий тарзда ишдан бўшатиб олинаётган ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

- тармоқда давлат ижтимоий дастурлари бажарилишини таъминлаш, юқориқоғ ижтимоий муҳофазага муҳтож ходимлар (ёшлар, ногиронлар, қариялар, болалик аёллар) манфаатларини ҳимоя қилиш борасида иш олиб боради;

- касаба уюшмалари Федерацияси томонидан республика бўйича ўтказиладиган тадбирларда тармоқ касаба уюшма ташкилотлари қатнашишини ташкиллаштиради;

- қуйи касаба уюшмаси ташкилотларининг асосий фаолият йўналишларини белгилайди;

- касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашлари, Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчилари ҳамда бирлашган касаба уюшма кўмиталари фаолиятини мувофиқлаштиради, раҳбарлик қилади ва амалий ёрдам кўрсатади;

- маъмурият ва тегишли касаба уюшмаси органлари ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқишда қатнашади;

- иш берувчилар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига ҳилоф равишда қабул қилинган қарорларни бекор қилишни талаб этади;

- Республика кенгаши раиси ўринбосарини, зарур ҳолларда раисини сайлайди ва лавозимидан озод қилади. Бу ҳақдаги қарор кенгаш аъзоларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берганда кучга киради;

- зарур ҳолларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибидан вакиллари чақириб олиш ва уларнинг ўрнига янги вакиллارни кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- Пленум оралиғида жорий масалаларни ҳал қилиш учун Кенгаш Раёсати аъзоларини сайлайди ва уларнинг ваколатларини белгилайди;

- касаба уюшмаси бюджетини бошқаради, унинг бажарилиши ва тақсимланиши устидан назоратни амалга оширади;

- куйи касаба уюшма органларига касаба уюшма бюджети маблағларидан оқилона фойдаланишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади, Республика кенгашининг масъул ташкилотчилари, туман, шаҳар кенгашлари билан ҳамкорликда касаба уюшмасига аъзолик бадаллари тушуми тўлиқлигини таъминлаш чораларини кўради;

- соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш ишлари бўйича асосий йўналишларни белгилайди, уларнинг турлари ва ҳажмини кенгайтиришда касаба уюшмаси ташкилотларига ёрдам беради;

- тасдиқланган Низомларга асосан касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ва ижтимоий сўғурта бюджети маблағлари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилади;

- Устав вазифаларидан келиб чиққан ҳолда молиявий, хўжалик ва бошқа фаолият турларини амалга оширади, шунингдек, хайрия ҳамда бошқа марказлашган жамғармалар ташкил қилиши мумкин;

- босма нашрлар чиқаришни ташкил қилади ва оммавий-ахборот воситалари орқали ўз фаолиятини тарғибот қилади;

- Федерация Кенгаши билан келишилган ҳолда халқаро ҳамкорликни олиб боради;

- тармоқда Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенциялари ижросининг жамоатчилик назоратини олиб боради;

- қўйилган мақсадларга эришиш учун касаба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари билан ҳамкорликда ҳаракат қилади.

49. Касаба уюшмаси Республика кенгашининг Раёсати Кенгаши касаба уюшмасининг доимий ҳаракатдаги ижроия органи ҳисобланади.

Раёсат мажлиси заруратга қараб, аммо чоракда камида бир марта ўтказилади.

Касаба уюшмаси Республика кенгашининг Раёсати:

- давлат бошқаруви, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик бошқаруви органларида, суд органларида касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

- касаба уюшмаси аъзоларига тааллуқли меҳнат шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда (келишишда) иштирок этади;

- касаба уюшмаси Республика кенгаши номидан мулоқотлар олиб боради, вазирлик ва муассасалар билан тармоққа қарашли ташкилотлар ходимлари учун меҳнат шароити, бандлик ва ижтимоий кафолатлар бўйича мажбуриятларни, шунингдек, ходимлар ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш масалаларини ўзида акс эттирувчи тармоқ келишувларини қабул қилади;

- иш берувчилар ва мансабдор шахслар томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳамда бошқа ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва бажарилишини назорат қилади;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, иш берувчиларга Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатлари ва қонунларига зид келадиган, касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини камситувчи қарорларини бекор қилиш юзасидан тавсия ва таклифлар киритади;

- касаба уюшмаси Республика кенгашининг Пленумини чақиради, қон тартиби юзасидан таклифлар киритади, муҳокама қилинаётган масалаларга оид ҳужжатларни тақдим этади, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ташкил қилади;

- янги ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш, шунингдек аъзоликдан чиқариш масалаларини кўриб чиқади;

- республикада фаолият олиб бораётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан касаба уюшмасига аъзоликка кириш таклифи билан мурожаат қилинган тақдирда, ушбу ҳолат касаба уюшмаси Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

- давлат ва маҳаллий ҳокимият органларга касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар киритади, уларнинг қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар, келишув ва жамоа шартномалари орқали амалга оширилишига эришади;

- касаба уюшма ходимлари ва фаолларини давлат мукофотига тавсия қилиш, уларга фахрий унвонлар бериш ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига таклиф киритади;

- тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги кадрлар таркибини таҳлил қилади, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, заҳирадаги кадрларнинг амалиёт ўташ ишларини ташкил этади;

- касаба уюшмаси ташкилотларига услубий, ташкилий, консултатив, ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатади;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати билан келишган ҳолда Республика кенгашининг даромадлар ва харажатлари сметасини тасдиқлайди;

- тармоқ касаба уюшмаси тасарруфидаги ташкилотларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини ўрганиш мақсадида аудитор ташкилотларни жалб қилиши мумкин;

- тармоқ тасарруфидаги касаба уюшмаси ташкилотларининг штатлар бирликларини белгилаб беради ва улар устидан доимий назорат олиб боради;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда хорижий мамлакатларнинг турдош касаба уюшмалари ва халқаро касаба уюшма марказлари билан ҳамкорлик қилиш масалаларини ҳал этади;

- Республика кенгаши томонидан унга берилган ваколатлар доирасида касаба уюшмаси мулкига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилади;

- Федерация Кенгаши Раёсати билан келишган ҳолда касаба уюшмаси Республика кенгаши ташкилий тузилиши ва аппаратининг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

- Республика кенгаши тасарруфидаги ташкилотлар ва корхоналарни ташкил этади, фаолиятини йўналтиради, назорат қилади ва уларнинг иш фаолиятини тугатади;

- Республика кенгашининг иш режасини тасдиқлайди;

- Қурултой, Республика кенгаши томонидан ваколат берилган бошқа вазифаларни бажаради.

Касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсатининг кўрилган масалалар бўйича хулосалари қарор шаклида қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

50. Республика кенгаши раиси 5 йил муддатга сайланади, лавозими бўйича касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Раёсатига раислик қилади.

Қурултой қарорига биноан Республика кенгаши номидан Қурултой ваколат берган шахс Республика кенгаши раиси билан 5 йилга муддатли меҳнат шартномаси тузади ва имзолайди.

Республика кенгаши раиси:

- Қурултой, Республика кенгаши ва Раёсат олдида ҳисобот беради;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, халқаро ташкилотларда касаба уюшмаси номидан иш кўради;

- Раёсат ёки касаба уюшмаси Республика кенгашининг Пленумида тасдиқлаш шарти билан Раёсат номидан иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, хорижий касаба уюшма ташкилотлари билан келишувларни имзолайди;

- муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситадиган ёки қонун ҳужжатларига зид қарорлари ижросини тўхтатиб қўйишни ёки ўзгартиришни талаб қилади;

- касаба уюшмаси номидан мурожаатнома ва тавсиялар йўллайди;

- касаба уюшмаси ва унинг органлари номидан юридик ва жисмоний шахслар билан алоқада ишончномасиз ҳаракат қилади ҳамда мулоқот олиб боради;
- Республика кенгаши мулки ва пул маблағларини тасарруф этади;
- касаба уюшмаси Республика кенгаши аппаратиغا умумий раҳбарликни амалга оширади, аппарат ходимларини лавозимга тайинлайди, лавозимидан бўшатади, уларнинг вазифаларини белгилайди, рағбатлантиради ва интизомий жазо чораларини қўллайди. Республика кенгаши аппаратининг маъмурий-хўжалик фаолиятини таъминлайди;
- Республика кенгаши аппаратининг ички меҳнат тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлайди;
- мазкур Уставда белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чиқаради;
- Республика кенгаши номидан ишончнома беради;
- касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсати мажлисини чакиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан мажлисга ҳужжатлар тайёрланиши ва киритилишини назорат қилади, қабул қилинган қарорларни имзолайди;
- Республика кенгаши номидан хўжалик ва бошқа шартномаларни тузади;
- касаба уюшмаси фаолиятининг кечиктириб бўлмайдиган масалаларини тезкорлик билан ҳал қилади ва кейинчалик бу ҳақда касаба уюшмаси Республика кенгашини хабардор қилади;
- тасдиқланган смета ва Раёсат қарорларига мувофиқ мулк ва пул маблағларидан фойдаланишни бошқаради;
- касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан унга берилган бошқа вазифаларни бажаради.

X. КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯЛАРИ

51. Касаба уюшмаси ташкилотларининг тафтиш комиссиялари мустақил ташкилот бўлиб, улар касаба уюшмасининг тегишли сайлаб қўйиладиган органлари билан бир вақтда йиғилишларда, конференцияларда, Қурултойда беш йил муддатга сайланадилар.

Тафтиш комиссиялари ўз фаолияти тўғрисида тегишли йиғилишлар, конференциялар ва Қурултойда ҳисобот берадилар ҳамда мазкур Устав ва “Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низом”га асосан фаолият юритадилар.

Тафтиш комиссиялари тармоқдаги барча ташкилотларнинг Устав талабларига риоя қилиши, уларнинг молиявий-хўжалик фаолияти, аъзолик ва бошқа бадалларнинг ҳисобланиши, тушиши, ўтказилиши, пул маблағларининг тўғри сарфланиши, касаба уюшмаси мулкидан фойдаланишни назорат қилади.

52. Тафтиш комиссиялари аъзолари касаба уюшмаси кўмиталари, кенгашлари ишида маслаҳат овози билан қатнашиш ҳуқуқига эга.

XI. КАСАБА УЮШМАСИ ҚУРУЛТОЙИ, КОНФЕРЕНЦИЯ, САЙЛАНМА ОРГАНЛАР МАЖЛИСЛАРИНИ ВАКОЛАТЛИ БЎЛИШИ, ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

53. Касаба уюшмаси Қурултойи, конференцияларида делегатларнинг камида учдан икки қисми, касаба уюшмаси гуруҳ, цех, бошланғич ташкилотлар йиғилишлари, сайлаб қўйиладиган органлар мажлислари уларнинг ишида мазкур ташкилот касаба уюшмаси аъзоларининг, сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда, улар ҳуқуқли ҳисобланади.

54. Қурултой, конференция делегатларининг ваколатлари Қурултой, конференцияни чакираётган касаба уюшмаси органларининг Раёсатлари томонидан тасдиқланади.

55. Касаба уюшмаси Қурултойи, конференциялари, йиғилишлари сайлаб қўйиладиган органлар мажлисларининг қарорлари, уларда қатнашаётган делегатлар, сайлаб қўйиладиган органлари аъзоларининг ёки йиғилиш қатнашчиларининг ярмидан кўпи қўллаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Касаба уюшмаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор, Қурултойда иштирок этаётган делегатларнинг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

56. Овоз бериш шакли (очиқ ёки ёпик) ва тартиби Қурултой, конференция делегатлари, йиғилишлар иштирокчилари, касаба уюшмаси сайлаб қўйиладиган органлари аъзолари томонидан белгиланади.

57. Республика Кенгаши Пленуми, Раёсати йиғилиши оптик толали тизим (видео селектор) орқали ўтказилиши мумкин.

58. Касаба уюшмаси Қурултойи, конференциялари, сайлаб қўйиладиган органлари мажлисларида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинади ва баённомалар расмийлаштирилади.

ХII. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, МОЛ-МУЛКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА БОШҚАРИШ ТАРТИБИ

59. Касаба уюшмасининг пул маблағлари касаба уюшмаси аъзоларининг кириш ва ойлик аъзолик бадалларидан, ишлаб чиқариш, хўжалиқ, ноширлик, хомийларнинг касаба уюшмасини қўллаб-қувватлаш учун берган ёрдамлари ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолиятдан келадиган маблағлардан ташкил топади.

60. Аъзолик бадаллари ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорида белгиланади.

Касаба уюшмасида ҳисобда турган ишламайдиган пенсионерлар, ишни вақтинча тўхтатган шахслар республикада белгиланган энг кам ёшга доир пенсия ва меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси биринчи разрядининг коэффициентига нисбатан ҳисобланган иш ҳақининг 1 (бир) фоизи миқдорида бадал тўлайдилар, стипендия олмайдиган талабалар, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчилари, уч ёшгача боласини парваришлаш билан банд бўлган аёллар аъзолик бадали тўлашдан озод этиладилар.

61. Касаба уюшма органлари маблағлардан ўз фаолиятини юритишда фойдаланади, уларни тасдиқланган бюджетга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида Устав мақсадларига сарфлайди.

62. Касаба уюшмаси органлари қўшимча маблағ топиш мақсадида янги иш ўринлари яратиши, белгиланган тартибда корхоналар ташкил этиши, мақсадли жамғармаларни шакллантириши мумкин. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкдаги пул маблағларини депозитга қўйиш, акцияларни сотиб олиш ва ўз мулкларини ижарага бериш ҳуқуқига эгадирлар. Ижарага бериш муддати касаба уюшмаси раҳбарининг сайланган муддати билан чегараланади. Бу фаолиятдан тушган даромад Устав мақсадлари учун сарфланади.

63. Касаба уюшмаси кенгашлари, қўмиталари ўзига тегишли мулк ва пул маблағларига эгалик қилади ва фойдаланадилар.

Мулк объектларига бинолар, иншоотлар, ер участкалари, корхоналар, оммавий ахборот воситалари, босмахоналар, наشريётлар, санаторий-профилакторий ва соғломлаштириш масканлари, механизмлар, жиҳозлар, инвентарь, қурилмалар, транспорт ва техник воситалар, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт масканларидаги мулклар, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳлари, пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мол-мулклар қиради.

64. Касаба уюшмасининг пул маблағлари ва мулкига эгалик қилиш ҳамда бошқариш ҳуқуқи касаба уюшмасининг олий органига берилади. Ушбу органнинг сайлаб қўйилган раҳбари пул ва мулкдан қанчалик самарали фойдаланганликлари тўғрисида касаба уюшмаси аъзолари олдида ҳисобот бериб борадилар.

65. Аъзолик бадаллари ҳисобидан тушадиган маблағлар маданий-маърифий, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, касаба уюшмаси органларининг аппарат ходимларини сақлаб туриш ва хўжалиқ харажатлари ҳамда мазкур Уставда белгиланган бошқа мақсадларга туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган касаба уюшма қўмиталари ва Республика кенгаши Раёсатлари томонидан тасдиқланган сметаларга мувофиқ харажат қилинади.

66. Касаба уюшмаси ўзининг мустақил баланси, ҳисоб ва бошқа банк ҳисоб рақамларига эга. Касаба уюшмасидан чиққан ташкилотларга пул маблағлари ва мулклар қайтарилмайди ҳамда тақсимланмайди.

67. Касаба уюшмаси ташкилотида ҳақ олиб ишлайдиган ходимлар рўй хати (шгатлар жадвали)ни шакллантириш касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг аъзолар сони меъёридан ва молиявий имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Касаба уюшмаси Республика кенгаши, туман, шаҳар кенгашлари, бирлашган қўмиталар ва бошланғич ташкилотларда ходимлар сони, шгатлар жадвали, қўйилган масалаларни ҳал этиш зарурияти ва уларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида шакллантирилади.

68. Пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, спорт-соғломлаштириш анжомлари ва тегишли бошқа мол-мулклар касаба уюшмасининг мулкидир

69. Касаба уюшмаси ташкилотларида аъзолик бадалларининг тақсимооти миқдори ва тартиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланади.

70. Касаба уюшмаси мулкдорлик ҳуқуқининг дахлсизлиги ва ҳимояси Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланади

71. Касаба уюшмасининг мол-мулки унинг розилигисиз фақатгина суд қарорига биноан олиб қўйилиши мумкин.

XIII. КАСАБА УЮШМАСИДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

72. Касаба уюшмаси органларининг меҳнат шартномаси тузиш йўли билан лавозимга қабул қилинган (умумий тартибда номуайян муддатга) аппарат ходимлари билан меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

73. Касаба уюшмаси органларининг аппарати касаба уюшмаси сайланма органларининг фаолиятини таъминлаш учун тузилади ва ўз фаолиятини Раёсат қарори билан тасдиқланган регламент асосида амалга оширади.

74. Сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимлар билан 5 йилга муддатли меҳнат шартномалари (контракт) тузилади. Меҳнат шартномаси умумий йиғилиш, конференция, Қурултой номидан умумий йиғилиш, конференция, Қурултой ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

75. Штатдаги касаба уюшмаси ходимларининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди ва меҳнат дафтарчалари, ходимлар билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган касаба уюшмаси ташкилотида сақланади. Мазкур ташкилот меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш (сайланиши), бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни киритади.

XIV. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

76. Касаба уюшмаси органлари ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

XV. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

77. Касаба уюшмаси юридик шахс ва ўзининг белгиланган намунадаги муҳри, штампи, бланklarига, шунингдек, банкларда ўз ҳисоб рақамларига эга бўлиши мумкин.

78. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини амалга ошириш учун мустақил равишда Устав, Низомларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, фаолиятининг мақсадини, шакл ва услубларини белгилайди. Қурултой, конференциялар, йиғилишлар чақиради ва бошқа тадбирлар ўтказиши.

79. Касаба уюшмаси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўз рамзий белгисига эга бўлади.

XVI. КАСАБА УЮШМА УСТАВИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

80. Мазкур Уставга Қурултой томонидан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритилган, янги қонунлар қабул қилинган ҳолларда,

Қурултой оралиғида Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар Республика кенгашининг қарори билан киритилади.

Уставга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғига тақдим этилади.

81. Ушбу Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор Қурултойда ишгирик этаётган делегатлар, Республика кенгаши мажлисида ишгирик этаётган аъзоларнинг камида 2/3 (учдан икки) қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

XVII. КАСАБА УЮШМАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

82. Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ёки тугатиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Қурултойида қабул қилинади. Кворум мавжуд бўлган ҳолда Қурултойда қатнашаётган делегатларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берганда, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади. Касаба уюшмасини қайта ташкил этишда Қурултой касаба уюшмасининг ҳуқуқий ворисини белгилайди.

83. Касаба уюшмасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, касаба уюшмаси Қурултойи қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди, шунингдек, кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулкни касаба уюшмаси Уставига мувофиқ қайси мақсадга йўналтиришни белгилайди. Касаба уюшмасининг мол-мулки касаба уюшмаси аъзолари ва ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

84. Касаба уюшмаси фаолиятини тўхтатиш, шунингдек тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғида белгиланган тартибда, суд қарорига асосан амалга оширилиши мумкин.

XVIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

85. Устав ҳамда унинг айрим қоидалари талқинини бериш Республика кенгаши ваколатига, Республика кенгашининг пленумлари оралиғида эса Республика кенгаши Раёсатининг мутлақ ваколатига киради.

Устав ҳамда унинг айрим қоидалари талқинини бериш юзасидан келишмовчилик вужудга келган тақдирда унинг давлат тилидаги матни устунликка эга.